ЗИНАТУЛЛАЕВ Зиёдилла Иззатилла ўғли
Ўзбекистон халқаро ислом академияси Ислом тарихи ва манбашунослиги IRCICA кафедраси доцент в.б., PhD
ziynatullayev90@mail.ru

ЎРТА АСР МАРКАЗИЙ ОСИЁ БОШҚАРУВИГА ОИД МАНБАЛАР ТАҲЛИЛИ

ANALYSIS OF SOURCES RELATED TO THE ADMINISTRATION OF MEDIEVAL CENTRAL ASIA

АНАЛИЗ ИСТОЧНИКОВ ПО ГОСУДАРСТВЕННОМУ ПРАВЛЕНИЮ СРЕДНЕВЕКОВОЙ СРЕДНЕЙ АЗИЕЙ

Аннотация: *Мақолада IX-XII асрларда Марказий Осиёда ҳукм сурган сомонийлар, ғазнавийлар, қорахонийлар, салжуқийлар ва хоразмшоҳлар каби давлатларининг тарихи, маданияти, дини, ҳукмдорлари, ижтимоий ва иқтисодий ҳолати, бошқарув тизими, пул-молия сиёсати, хирож йиғими ва бошқа масалалар ҳақидаги қимматли маълумотлар берувчи бирламчи манбаларнинг ёзилиш тарихи, услуби, мазмуни, қўлёзмалари, таржималари ва замонавий нашрларининг манбашунослик таҳлили амалга оширилган.*

Калит сўзлар: *Маймурғ, Хуросон, Рум, Истанбул, Теҳрон ва Санкт-Петербург, Тоҳирийлар, Саффорийлар, Сомонийлар, Ғазнавийлар, Салжуқийлар, Қорахонийлар.*

Abstract: *The article presents a source analysis of the history, style, content, manuscripts, translations, and modern editions of primary sources that provide valuable information about the history, culture, religion, rulers, social and economic situation, governance system, monetary and financial policy, tax collection, and other issues of the Samanids, Ghaznavids, Karakhanids, Seljuks, and Khwarazmshahs that ruled Central Asia in the 9th-12th centuries.*

Key Words: *Maimurg, Khurasan, Rome, Istanbul, Tehran and St. Petersburg, Tahirids, Saffaris, Samanids, Ghaznavids, Seljuks, Karakhanids.*

Аннотация: *В статье даны ценные сведения об истории, культуре, религии, правителях, социально-экономическом положении, системе управления, денежной и фискальной политике, сборе налогов и других вопросах Саманидов, Газневидов, Караханидов, Сельджуков и Хорезмшахов, правивших Средней Азией. в IX-XII вв. Проведен источниковедческий анализ истории, стиля, содержания, рукописей, переводов и современных изданий первоисточников.*

Ключевые слова: *Маймург, Хорасан, Рум, Стамбул, Тегеран и Санкт-Петербург, Тахириды, Саффариды, Саманиды, Газневиды, Сельджуки, Караханиды.*

Кириш

Марказий Осиё қадимдан кўплаб босқинларга рўбарў келган минтақадир. Қадимги даврда Аҳамонийлар, сўнг Юнон-македонлар босқинига учраган ушбу ҳудуд ўрта асрларда ҳам қизғин сиёсий жараёнлар марказида бўлиб қолди. Араблар кириб келганидан сўнг мазкур ўлка Мовароуннаҳр деб атала бошлади ва ўрта асрлар сўнгига қадар шу ном билан юритилди. Ислом кириб келгач бу ерда кечган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий жараёнлар араб, форс ва маҳаллий тарихнавислар асарларида ёритилган. Ушбу тадқиқотнинг мавзуси – ислом даврида минтақадаги бошқарув тизимида содир бўлган ўзгаришларга оид маълумотлар ҳам уларда ўз аксини топган.

Асосий қисм

Мазкур даврга оид араб тилида ёзилган илк асарлардан бири “Футуҳ ал-булдон” [1] (“Мамлакатларнинг фатҳ этилиши”) IX асрда яшаган географ ва тарихчи олим Абу Бакр Аҳмад ибн Яҳё Жобир Балозурий (ваф. 278/892-93 й.) томонидан таълиф этилган. “Футуҳ ал-булдон” арабларнинг юришлари ҳақидаги маълумотларни ўзида мужассам этган қимматли асарлар қаторига киради. Унда бошқа манбаларда йўқ маълумотлар келтирилган. Усмон ибн Аффон (ра, 644-656) ва Хуросон ноиби Абдуллоҳ ибн Амр даврида арабларнинг Мовароуннаҳрга амалга оширган ҳарбий юришлари ва Маймурғни эгаллаб, сўнг ортга қайтганлари ҳақидаги маълумотлар фақат шу асарда келтирилгани ҳам унинг алоҳида аҳамиятли манба эканидан далолат беради.

“Футуҳ ал-булдон”нинг иккинчи қисмида араблар томонидан шарқда ва шимоли-шарқда олиб борилган ҳарбий ҳаракатлар тафсилотлари баён этилган. Асарда фатҳ этилган ҳудудларнинг маданияти, дини, ҳукмдорлари, ижтимоий

 ISSN 2181-9572

ва иқтисодий ҳолати, бошқарув тизими, пул-молия сиёсати, хирож йиғими ва бошқа масалалар ҳақидаги қимматли маълумотлар тадқиқот олдига қўйилган вазифаларнинг ижросида муҳим рол ўйнади. Асарнинг юксак илмий аҳамияти ҳақида унинг қисқартирилган таҳрирдаги арабча матни Михаэл Ян де Гуйе (1839-1909 йй.) томонидан 1866 йили Лейден (Голландия)да[1], инглизча таржимаси П.К.Хитти (1916 йили I жилд) ва Ф.К.Мурготтен (1924 йил II жилд) тарафидан амалга оширилган. Рус тилидаги Хуросон қисмига оид таржимаси Г.Гоибовга тегишлидир. "Китоб футуҳ ал-булдон" Ш.Камолиддин томонидан ўзбек тилига ҳам ўгирилиб, 2011 йилда шарҳ ва изоҳлар билан бойитилган ҳолда нашр этилган [2].

Араб халифалигининг илк даври тарихи билан шуғулланувчи мутахассис учун қомусий олим Абу Жаъфар Муҳаммад ибн Жарир Табарийнинг (839-923) "Тарих ар-русул ва-л-мулук" [3] ("Пайғамбарлар ва подшоҳлар тарихи") асари муҳим манбалардан ҳисобланади. Асарда 912–913 йилларгача Арабистон, Рум (Кичик Осиё), Эрон ва араб халифалиги томонидан забт этилган мамлакатлар билан бир қаторда, Мовароуннаҳрда бўлиб ўтган ижтимоий-сиёсий воқеалар хронологик кетма-кетликда йилма-йил баён этилган. Табарий ўз асарида яҳудийлар ва христианларнинг нақл ва ривоятлари (исроилиёт), Сосонийлар (224-651 й.) солномаси "Хвадай намак" ("Подшоҳнома"), Мадоинийнинг (ваф. IX асрнинг иккинчи ярми) "Тарихи хулафо" ("Халифалар тарихи"), Воқидийнинг (747-823 й.) "Китоб ал-мағозий" ("Урушлар ҳақида китоб"), Ибн Тайфурнинг (819-893 й.) "Тарихи Бағдод" ("Бағдод тарихи") кабилардан кенг фойдаланган.

"Тарих ар-русул ва-л-мулук"нинг тўлиқ ва қисқартирилган таҳрирлари бўлган. Бироқ бизгача фақат қисқартирилган матнгина [4] етиб келган. Уни голландиялик шарқшунос Михаэл Ян де Гуйе 1879–1901 йилларда 15 жилдда нашр этган. Француз тилидаги таржимаси Г.Зотенберг томонидан 1867-1874 йилларда амалга оширилган. Асарнинг форс ва турк тилларидаги таржималари ҳам мавжуд бўлиб, уларнинг қўлёзма нусхалари Санкт-Петербург ва Тошкент кутубхоналарида сақланади. Жумладан, Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида "Тарих ар-русул ва-л-мулук"нинг араб тилидаги тўртта қўлёзмаси ҳамда форс (инв. №12593, №7322, №7466, №831, №9317), уйғур (№ 9470) ва ўзбек тилларидаги таржималари мавжуд. Асарнинг рус тилидаги қисқартирилган таржимаси В.И.Беляев томонидан 1987 йилда "История Табари" номи билан Тошкентда чоп этилган [5]. Ушбу манбада ислом даврида амал қилган бошқарув тизими, унинг араб халифалиги периферияси, жумладан, Марказий Осиёга трансляцияси жараёнлари ҳақидаги маълумотлар ҳам жой олгани уни тадқиқотга жалб этишни тақозо этди.

Марказий Осиёнинг исломгача даврдаги қадимги динлари ва уларнинг ижтимоий ҳаётда тутган ўрнини очиб берувчи қимматли манба Абу Райҳон Берунийнинг "ал-Осор ал-боқия ан ал-қурун ал-холия" ("Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар") асаридир. Унда Беруний ўзига маълум бўлган халқлар – юнонлар, румликлар, эронликлар, хоразмликлар, суғдийлар, собиийлар, христианлар, яҳудийлар, қибтийлар, исломдан олдинги араблар ва мусулмонларнинг тақвимлари, байрамлари ва машҳур кунларини муфассал тасвирлаган. Китобнинг Марказий Осиё халқлари, уларнинг маданияти, урф-одати ва тарихига оид маълумотлари катта аҳамиятга эгадир. Мазкур манбадан ушбу тадқиқот ишининг исломгача бўлган даврдаги Марказий Осиё халқларининг диний эътиқодлари ва уларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги ўрнини очиб беришга бағишланган бандида фойдаланилди.

"Осорул боқия" асарини биринчи бўлиб Европага таништирган олим машҳур шарқшунос ва берунийшунос олим Эдуард Захау (1845–1930) бўлиб, у 1876–1878 йилларда Лейпциг (Германия)да асарнинг арабча нусхасини илк бор нашр этган. Унинг 1879 йили бажарилган инглиз тилидаги таржимаси ҳам Захауга тегишлидир. Захау нашр эттирган арабча нусхадан 1943 йил Теҳронда Акбар Доно Сиришт уни форс тилига ўгирган. Асарнинг рус тилига таржимаси 1957 йилда арабшунос олим М.А.Салье тарафидан амалга оширилган. Мазкур манбанинг А.Расулов муаллифлигидаги ўзбекча таржимаси 1968 йилда Тошкентда нашр этилган [6]. Беруний асарининг XII–XIII асрларга оид қўлёзмалари Истанбул, Теҳрон ва Санкт-Петербург шаҳарларида сақланади [7].

[1] Балазурининг асари чоп этилган: Liber expugnationis regionum. ed. M.J. de Goeje, Pt 1—2. Lugduni Batavorum, 1866. – 232 p.

Уларнинг фотонусхалари ЎзР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида мавжуд [8]. Уларни ўрганиб чиқиш тадқиқот мавзусининг тегишли бўлимлари учун фойдали материаллар берди.

Тадқиқот мавзусига оид айрим маълумотлар ўз аксини топган яна бир нодир манба араб тарихчиси Иззуддин Абулҳасан Али ибн Муҳаммад (1160–1233) томонидан яратилган “ал-Комил фит-тарих” (“Мукаммал тарих”) асаридир. У Мовароуннаҳр халқлари тарихи, жумладан ушбу ҳудуддаги бошқарув анъаналарини ўрганишда катта аҳамият касб этади. Асар тузилишига кўра, ўн икки жилддан иборат бўлиб, унда дунёнинг яратилишидан то 1231 йилга қадар Шарқ мамлакатларида бўлиб ўтган ижтимоий-сиёсий жараёнлар хронологик кетма-кетликда баён этилган. Муаллиф ўзигача яратилган манбалардан кенг фойдаланган. Хусусан, “ал-Комил фит-тарих”нинг биринчи қисми (I–IV жилдлари) аввал яшаб ўтган олимлар – Балозурий, Табарий, Ибн Мискавайҳ, Суламий ва бошқаларнинг асарларига таяниб ёзилган. Асарда Аббосийлар халифалигига қарши қаратилган халқ қўзғолонлари, Мовароуннаҳр ва Хуросондаги ижтимоий-сиёсий вазият ҳамда ички мустақилликни қўлга киритган маҳаллий сулолалар – Тоҳирийлар, Саффорийлар, Сомонийлар, Ғазнавийлар, Салжуқийлар, Қорахонийлар ва Хоразмшоҳларнинг бошқаруви ҳақидаги қимматли маълумотлар келтирилган.

“Ал-Комил фит-тарих”нинг тўлиқ танқидий матни бизгача етиб келган бир қанча қўлёзмалари асосида 1851–1876 йилларда европалик шарқшунос С.Торнберг томонидан тўрт жилдда нашр этилган. Асарнинг бир қанча арабча нашрлари мавжуд бўлиб, уларнинг охиргиларидан бири 1987 йили Байрутда чоп этилган. “Ал-Комил фит-тарих”нинг ўзбек тилига тўлиқ таржимаси 1901–1907 йилларда Хива хони Муҳаммад Раҳимхон II (1282–1328/1865–1910) буйруғига кўра 12 жилдлик Миср нашри асосида амалга оширилган. Мазкур таржиманинг илк нусхаси ва ундан кўчирилган бир неча нусхалар ЎзР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида сақланади [9].

“Ал-Комил фит-тарих” асарининг Мағриб ва Испания мамлакатлари тарихига оид қисмини 1901 йилда жазоирлик олим Фағнон француз тилига изоҳли таржима қилган. 1904 йилда даниялик шарқшунос И.Оитсберг асарининг бир қисмини ўрганиб чиққан. 1904–1905 йилларда турк олими И.Шарафиддин асарнинг мўғулларгача бўлган даври ҳамда Ибн ал-Асирнинг оиласи ва унинг илмий мероси ҳақидаги тадқиқотини нашр этди. Асарнинг рус тилидаги таржимаси 1939 йилда рус шарқшунослари И.Н.Леманов ва С.Волинлар томонидан амалга оширилган [10]. Ўзбекистонда “ал-Комил фит-тарих”нинг Марказий Осиёга оид қисмини илмий шарҳлар билан рус тилига таржима қилган олим, филология фанлари доктори, профессор П.Г.Булгаков ҳисобланади. Лекин ушбу лойиҳани ниҳоясига етказишга улгурмаган. Бинобарин, таржима олимнинг шогирди – тарих фанлари доктори, профессор Ш.Камолиддин томонидан якунланган ҳамда шарҳ ва изоҳлар билан бойитилган ҳолда 2006 йилда нашр этилган [11]. Ушбу таржима-тадқиқот Мовароуннаҳрнинг VIII–XIII асрлардаги тарихи билан шуғулланаётган тадқиқотчилар ва тарихчи мутахассислар учун қизиқарли маълумотлар ҳамда изоҳларга бойлиги билан ҳам алоҳида аҳамиятлидир. Улар тадқиқот билан боғлиқ кўплаб саволларга жавоб топишга ёрдам берди.

Тадқиқот даврига оид қимматли манбалардан бири Абу Бакр Муҳаммад ибн Жарир Наршахий (899–960)нинг “Бухоро тарихи” асаридир. Унда Бухоро ва унинг атрофидаги шаҳарларнинг VII–X асрлардаги иқтисодий, маданий, ижтимоий-сиёсий тарихига оид маълумотлар баён этилган. Шунингдек, асарда арабларнинг Мовароуннаҳр ҳудудига амалга оширган илк ҳарбий ҳаракатлари, кейинчалик минтақанинг Қутайба ибн Муслим бошчилигида забт этилиши, ҳудудга исломга асосланган бошқарув тизимининг кириб келиши, Мовароуннаҳрдаги дастлабки мусулмон сулола бўлган Сомонийларнинг келиб чиқиши ва улар давлатининг ташкил топиши, бошқарув тизими, қўшни минтақалар билан кечган сиёсий жараёнлар, Муқанна бошчилигидаги халифаликка қарши “Оқ кийимлилар” қўзғалони ва бошқа муҳим воқеалар ҳақида ҳикоя қилинади.

Ушбу тадқиқотнинг манбаларидан бири сифатида фойдаланилган “Бухоро тарихи” асарининг араб тилидаги асл нусхаси бизгача етиб келмаган. Бизгача унинг 1128 йилда Қубо шаҳридан бўлган Абу Наср Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Наср Қубовий (ваф. XII аср)

ISSN 2181-9572

томонидан форс тилига ўгирилган нусхаси етиб келган. 1178–1179 йилларда Муҳаммад ибн Зуфар ибн Умар уни қайта таҳрир қилиб, қисқартирилган баёнини яратган. “Бухоро тарихи”нинг 1819–1820 йилларда Бухорода кўчирилган нусхаси ЎзР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида сақланмоқда. Шунингдек, жаҳоннинг турли шаҳарларида, хусусан, Санкт-Петербург ва Душанбе [12] да ҳам асарнинг қўлёзма нусхалари сақланади.

Наршахийнинг “Бухоро тарихи” асарининг бир қанча қўлёзмалари асосида тайёрланган матни бир неча бор – 1892 йили шарқшунос олим Шарль Чефер (1820–1898) томонидан Парижда, 1904 йили Мулло Султон томонидан Бухорода, 1939 йили Мударрис Ризавий томонидан Теҳронда нашр этилган. Асарнинг русча таржимасини Н.Лыкошин 1897 йил Тошкентда нашр қилган. Р.Фрайнинг инглизча изоҳли таржимаси 1954 йили Кембрижда чоп этилган [13].

“Бухоро тарихи”нинг ўзбек тилидаги таржимаси А.Расулов томонидан амалга оширилган бўлиб, 1966 йил Тошкентда нашр этилган. Бу ишга асарнинг Санкт-Петербург, Париж, Бухоро, Душанбе ва Теҳрон қўлёзмалари матнлари жалб этилган. Қўлёзмаларни ўзаро таққослаш натижасида Теҳрон нашри таржима учун асос қилиб олинган. Кейинчалик А.Расуловнинг ушбу таржимаси бир неча бор қайта нашр этилди [14].

Марказий Осиёнинг ўрта асрлар даври тарихи, жумладан, унинг ҳудудидаги бошқарув тизимига оид муҳим манбалардан яна бири – Абу Саид Абулҳай ибн Заҳҳок ибн Маҳмуд Гардизий (XI аср, ваф. 1061 й.)нинг “Зайнул ахбор” (“Хабарлар безаги”) асари бўлиб, унда диссертация мавзусига оид айрим маълумотлар ҳам ўз аксини топган. Асар Хуросон ва Мовароуннаҳрнинг араблар кириб келишидан то XI аср ўрталаригача бўлган даврдаги сиёсий ва этник тарихини ўрганишда катта аҳамиятга эга. Гардизий ушбу асарида Жайҳонийнинг “Ажойибул булдон”, Салломийнинг “Китоб фи ахбор вилояти Хуросон”, шунингдек, ибн Халликон, ибн Муқаффанинг асарларидан фойдаланган.

“Зайнул ахбор” беш қисмдан иборат бўлиб, уларнинг бешинчиси арабларнинг Хуросондаги волийлари бошқаруви даври, шунингдек, Тоҳирийлар ва Саффорийлар ҳамда Мовароуннаҳрдаги Сомонийлар ва Ғазнавийлар (1042 йилгача) давлатларининг умумий тарихига бағишланган. Унда тадқиқот мавзуси билан боғлиқ қимматли маълумотлар ҳам ўз аксини топган. Жумладан, мазкур қисмда Марказий Осиёнинг VIII–XI асрлардаги сиёсий бошқаруви ва ундаги ислоҳотчилик жараёнлари ҳақидаги қимматли маълумотлар ўз аксини топган. “Зайнул ахбор”да Хуросон ва Мовароуннаҳрнинг VII асрнинг иккинчи ярмидан XI биринчи ярмигача бўлган тарихи анчагина кенг ёритилган.

“Зайнул ахбор”нинг юксак илмий қийматидан келиб чиқиб, унинг турли қисмлари бир неча тилларга таржима қилинган. Жумладан, В.В.Бартольд асарнинг турклар ҳақидаги бобини матни ва русча таржимаси билан 1897 йилда нашр эттирган. Худди шу бобни 1903 йили венгер олими Геза Кун асл матн ва венгер тилидаги таржимаси билан Оксфорд қўлёзмаси асосида чоп эттирган. Гардизийнинг Ҳиндистон ҳақида келтирган маълумотларини инглиз шарқшуноси В.Минорский инглиз тилига ўгириб, 1948 йили Лондон университетида “Шарқ ва Африка. Ўтмиш ва ҳозирги тадқиқотлар” номли тўпламда эълон қилган. Асарнинг Тоҳирийлар, Саффорийлар, Сомонийлар ва Ғазнавийлар тарихига тегишли форсча матни 1928 йил Муҳаммад Нозим томонидан Берлинда, 1937 йили эронлик Мирзо Муҳаммад Қазвиний ва 1954 йили Саид Нафисий, тўлиқ матни эса, 1984 йили А.Ҳабибий тарафидан амалга оширилган. “Зайнул ахбор”нинг тадқиқотимиз учун муҳим бўлган Марказий Осиёга алоқадор қисми А.К.Андерс томонидан амалга оширилган таржимаси 1991 йили Л.М.Епифанова томонидан нашрга тайёрланиб, Тошкентда чоп этилган [15].

Шарқ мусулмон маданиятини, салжуқийлар тарихи ва сиёсий ҳаётини ўрганишдаги энг ишончли манба – Низомулмулк тахаллусини билан машҳур бўлган Абу Али Ҳасан ибн Али ибн Исҳоқ Тусий (1018–1092)нинг “Сиёсатнома” ёки “Сияр ул-мулук” (“Подшоҳлар турмуши”) асаридир. У ўттиз тўққиз бобдан иборат бўлиб, унда ўзбек давлатчилиги тарихига оид қимматли маълумотлар ҳам бор. Хусусан, Сомонийлар даврида турк ғуломлари [16]нинг ижтимоий-сиёсий ҳаётда тутган ўрни, Қорахонийлар саройида хизмат қилган ходимларнинг маиший аҳволи, Сомонийлар давлатидаги унвонлар,

Хоразмшоҳлар (Олтинтошийлар) билан Ғазнавийлар ўртасидаги ёзишмалар ҳақида диққатга сазовор маълумотлар учрайди.

“Сиёсатнома” асарини олимлар салжуқийларнинг сиёсий дастури сифатида баҳолаганлар. Унинг бош ғояси адлу инсоф, сулҳ ва мурувват, оқилона бошқарув, соғлом қоида ва тартибга асосланган халқ фаровонлиги ва осойишталигини таъминлаш тарғиботидир. Ушбу асардаги кўпгина ғоялар бугунгача ўзининг ҳаётийлигини сақлаб қолаётгани тадқиқотчилар томонидан таъкидланади [17:10].

“Сиёсатнома” асарининг энг қадимги 1168 – 1169 йили Урмия шаҳрида амири ҳожиб [18] Алп Жамолиддин фармонига биноан кўчирилган нусхалари Британия музейи ва Берлинда сақланади [19]. 1291 йили кўчирилган бошқа нусха асосида шарқшунос Чарлз Шеффер асарни француз тилига ўгириб, 1893 йили нашр этган. “Сиёсатнома” кўп йиллик тадқиқотлардан сўнг Б.Н.Заходер томонидан рус тилига таржима қилиниб, 1949 йили нашр этилган. 1960 йили у инглиз тилида чоп қилинди. Асар 1989 йили А.Девонақулов томонидан тожик тилига ўгирилиб, Душанбеда нашр этилган. Бироқ бу нашр баъзи камчиликлардан холи эмас. Жумладан, унинг баъзи боблари тушириб қолдирилган [17:14]. “Сиёсатнома” асарининг ўзбек тилидаги таржимаси сўзбоши ва изоҳлар билан Шодмон Воҳид ва Афтондил Эркиновлар томонидан амалга оширилиб, 2008 йил Тошкентда нашр этилган [20]. Мазкур нашрларни кўриб чиқилиши натижасида тадқиқот учун фойдали маълумотлар қўлга киритилди.

Ўзбек давлатчилигининг IX–XII асрлардаги тарихини акс эттирувчи яна бир муҳим манба Абулфазл Муҳаммад ибн ал-Ҳусайн ал-котиб ал-Байҳақий (995–1077)нинг “Тарихи Масъудий” (“Масъуд тарихи”) асаридир. “Тарихи Масъудий”нинг унгача бўлган асарлардан фарқи – муаллиф ўзи кўрган ва ишончли кишилардан аниқлаган маълумотларни ҳукумат маҳкамаларида сақланаётган расмий ҳужжатлар асосида баён этган. Асарда асосан Ғазнавийлар давлатининг Султон Масъуд давридаги ижтимоий-сиёсий ҳолати, Саффорийлар, Сомонийлар, Салжуқийлар ва Қорахонийлар давлати ўртасидаги халқаро муносабатлар тарихи, улардаги бошқарув тизимининг айрим қирралари акс этган.

“Тарихи Масъудий”нинг форсча матни 1862 йили У.Морлей томонидан Калкуттада, 1887 йили Аҳмад Пешоварий, 1941-1954 йилларда Саид Нафисий, 1946 йил Қосим Ғани ва Али Акбар Фаёзлар тарафидан Теҳронда чоп этилган. Унинг араб тилидаги таржимаси 1960 йили Қоҳирада Яҳё Ҳашшоб ва Содиқ Нишот томонидан нашр қилинган. Асарнинг русча таржимаси тадқиқот ва зарур изоҳлар билан шарқшунос олим А.К.Арендс томонидан 1962 йили Тошкентда ва 1969 йили Москвада чоп этилган [21].

Хулоса ва таклифлар

Марказий Осиёнинг VIII-XII асрлардаги бошқарув тизими ҳақидаги маълумотлар учрайдиган бирламчи манбалар ушбу тадқиқот олдига қўйилган вазифаларнинг бажарилишида асосий рол ўйнади. Уларнинг манбашунослик таҳлилидан чиқадиган мантиқий хулосалардан бири шундан иборатки, ислом кириб келгач, Марказий Осиёдаги умумий юксалишнинг содир бўлишида янги дин талабларига мослашган миллий бошқарув тизими муҳим рол ўйнади. Ўз навбатида, бу даврда минтақада кузатилган ижтимоий-иқтисодий ривожланиш натижасида мисли кўрилмаган илмий-маданий юксалиш учун зарур замин шаклланди. Буларнинг барчаси ислом талабларига мослашган марказлашган маҳаллий бошқарув тизимининг шаклланишига туртки берди.

Араб халифалиги ва унга қарашли ҳудудлардаги ижтимоий-сиёсий муҳит, савдо-сотиқнинг ривожланиши ва бошқарув тизимининг ҳусусиятлари ўша даврда яшаган сиёсий арбоблар, тарихнавислар, сайёҳлар ҳамда давлат хизматчиларининг эътиборидан четда қолмаган. Уларнинг асарлари ва эсдаликлари орқали зикр этилган соҳалардаги ўзгаришлар ҳақида қимматли маълумотларга эга бўламиз. Турли манбаларни ўзаро солиштириш ва таққослаш эса, тарих ҳақиқатини юзага чиқаришга ёрдам беради.

Марказий Осиёнинг VIII-XII асрлардаги тарихига оид қимматли асарлар яратган Балозурий, Табарий, Беруний, Ибн Асир, Наршахий, Гардизий, Низомулмулк, Байҳақий каби муаррихларнинг асарлари орадан неча асрлар ўтсада ўзининг илмий аҳамиятини йўқотмаган. Уларда ёритилган масалалар қаторида ислом тафаккури шароитида Марказий Осиёда бошқарув тизимининг ривожланишига оид қимматли маълумотлар ва диққатга сазовор

ISSN 2181-9572

мулоҳазалар борлиги ушбу тадқиқот учун бениҳоя муҳимдир.

ФОЙДАЛАНИЛГАН МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР:

1. Балозурий. Абу-л-‘Аббос Аҳмад ибн Яҳё ибн Жобир ал-Балозурий. Футуҳ ал-булдон / ‘Абдуллоҳ Анис ат-Таббо‘ ва ‘Умар Анис ат-Таббо‘ нашри. Байрут: Му’ассасат ал-ма‘ориф, 1407/1987.
2. Абул Аббос Аҳмад ибн Яҳё ал-Балозурий. Футуҳ ал-булдон. Хуросонннинг фатҳ этилиши / Сўз боши, араб тилидан таржима, шарҳлар, изоҳлар ва кўрсаткичлар муаллифи Ш.С.Камолиддин. – Тошкент: ТошДШИ, 2017. – 439 б.
3. Ибн Жарир ат-Табарий. Тарих ат-Табарий. – Ар-Риёд: Байт ал-афкор ад-давлия, 2005. 2260 б.
4. Annales quos scripsit Abu Djafar ibn Djarir at-Tabari cum aliis edidit M. J. de Goeje, ser. I, III. Lugduni Batavorum, 1901. 422 p.
5. Ат-Табари. История ат-Табари. Избранные отрывки / Пер. с араб. В.И.Беляева. Дополнения к переводу О.Г.Большакова и А.Б.Халидова. – Ташкент: Фан, 1987. – 445 б.
6. Абу Райҳон Беруний. Осор ул-боқия ан ал-қурун ал-ҳолия. (Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар). /Таржимон А.Расулов. Масъул муҳаррирлар: И.Абдуллаев ва О.Файзуллаев/. – Тошкент: Фан, 1968. – 486 б.
7. Истанбул халқ кутубхонаси (инв. № 4667), Россия фанлар академияси, Шарқшунослик институти (шифр Д-58). Мазкур институт 1818 йил Санкт-Петербургда Император фанлар академияси, Осиё музейи номи билан ташкил этилган бўлиб, 1960-1970 йилларда Осиё халқлари институти, ҳозирги кунда эса, Россия фанлар академияси, Шарқшунослик институти (Санкт-Петербург филиали) номи билан юритилмоқда.
8. ЎзРФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида сақланаётган Санкт-Петербург фотонусхаси (инв. № 355), Истанбул фотонусхаси (инв. № 341), Теҳрон фотонусхаси (инв. № 69).
9. Абул Фидо Абдуллоҳ ал-Қози (I–III жилд) ва Муҳаммад Юсуф ад-Даққақа (IV–X жилд). Байрут: 1987. – 316 б.; ЎзРФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти. Тошкент, 1954. Инв. № 10–18., ЎзР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти. Тошкент, 1954. Инв. № 824, 825, 6679 - 6802, 7290 - 7294, 7423 -7425.
10. Ибн ал-Асир. ал-Камил фи-т-тарих. Перевод с арабского И.Н.Аеманова и С.Волина // Материалы по истории туркмен и Туркмении. Т .1 . V II— X V вв. А рабские и персидские источники. Москва: 1939. 409 с.
11. Ибн ал-Асир. Ал-камил фит-тарих. Перевод с арабского языка, примечания и комментарии Ц.П.Булгаков. Дополнения к переводу, примечаниям и комментариям, введение и указатели Ш.С.Камалиддина. – Ташкент: Узбекистан, 2006. – 560 с.
12. ЎзР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти. Инв. № 5388–11. Асарнинг XIX аср иккинчи ярмида кўчирилган қўлёзмалари ҳам мавжуд. Инв. № 2212/I, 4355/III.; Россия фанлар академияси, Шарқшунослик институти (Санкт-Петербург филиали). “Бухоро тарихи” асарининг 1599–1600 йилларда кўчирилган нусхаси. Инв. № 675.; Тожикистон Фанлар академияси, Шарқ қўлёзмалар фонди. Асарнинг 1650 йилда кўчирилган нусхаси. Инв. № 513/11.
13. The History of Bukhara: Translated froma Persian Abridgment of the Arabic Orginal by Narshakhi. Translated by Frye, Richard Nelson. Cambridge, Massachusetts: Mediaeval Academy of America, 2019. – 234 p.
14. Абу Бакр Муҳаммад ибн Жафар ан-Наршахий. Бухоро тарихи. -Тошкент: Камалак, 1991. – 335 б.
15. Гардизи. Зайн ал-ахбар – Абу Са‘ид Гардизи. Зайн ал-ахбар. Украшение известий. Раздел об истории Хорасана / Перевод с персидского языка А.К. Арендса. Введение, комментарии и указатели Л.М. Епифановой. Ташкент: Фан, 1991. – 176 с.
16. Турк ғуломлари – Турк хоқонлиги давридаги “чокар” – “шахсий тан соқчи” тизими кейинчалик сомонийлар тарафидан ўзлаштирилиб, Исмоил Самоний даврида мунтазам қўшинга асос солинган. Ушбу қўшин аскарлари “турк ғуломлари” деб аталган. Кейинчалик аббосийлар ҳам бу тизимни ўзлаштирганлар.
17. Низомулмулк. Сиёсатнома (Сияр ул-мулук) / Форс тилидан таржима, сўзбоши ва изоҳлар муаллифлари Шодмон Воҳид, Афтондил Эркинов. Масъул муҳаррир Шариф Холмурод. -Тошкент: Янги аср авлоди, 2008. – Б. 10.
18. Амири ҳожиб – (“амир ал-ҳожиб”) “ҳожиб” ҳарбий бўлинма бошлиғи. “Амири ҳожиб” эса, барча ҳожиблар устидан бошлиқ.
19. Британия музейи (инв. АДД 23516)
20. Низомулмулк. Сиёсатнома (Сияр ул-мулук) / Форс тилидан таржима, сўзбоши ва изоҳлар муаллифлари Шодмон Воҳид, Афтондил Эркинов. Масъул муҳаррир Шариф Холмурод. -Тошкент: Янги аср авлоди, 2008. – 239. б.
21. Абу-л-Фазл Байхаки. История Масуда (1030-1041) / Перевод с перс., введение, комментарии и приложения А. К. Арендса. – 2-е издание. – Москва: Наука, 1969. (Памятники письменности Востока). – 1008 с.